



Хўжандни икки бўлиб оккан Сирдарёнинг ўртасида, шаҳардан бир чакирим куйирокдаги оролда қадимдан қолган бир истехком бор эди. Чет эл истилочилари ва кўчманчиларга қарши қурашда халқнинг жонига оро қирган бу кўхна қалъанинг буржлари ўпирилиб кетган, дарвозаларининг баъзи ерлари бузилиб, омонат бўлиб қолганди. Бошига оғир қунлар қелган-да Хўжанд аҳли яна шу эски қалъага паноҳ излаб қелди.

Чингизхон бехисоб лашқарлари билан ўтрорга етиб қелгач, бу шаҳарни қамал қилиб олишни ўз ўғиллари ўқтой билан Чигатойга топшириб, Хўжанд шаҳри устига сарқардалари Сўкту билан Улок нўённи юборган, ўзи эса қатта кўшин билан Қизилқум орқали Бухоро томон йўл олган эди.

Хўжанд вилоятининг ҳоқими Темур Малик дарё ўртасида-ги қалъани мустаҳкамлаб, мўғуллар билан жанг қилишга жазм этди.

Сир бўйи ажойиб бир манзара қасб этган: қирғоққа тўпланган қишилари сон-саноксиз қайиқлар ва кемалар оролга ташимокда, қетмон, бел, арра, андава, теша, болта ушлаган қишилар сабрсизлик билан ўз навбатларини қутмокда эдилар. Қалъа тепасидан юзларча одамлар қумолидек уймалашиб, девор ва бурчларнинг шикастрехтини тузатмокдалар. Хамма хашарчилар оролга ўтиб олганларидан кейин иш жадаллашиб кетди. Хавога тутун қаби қўтарилган қанг-тўзон, гала-говур овозлар ишнинг юришиб кетганидан қалолат берарди. Қуч-қувватни аямай, иштиёқ билан ишлаётган хашарчилар орасида ўқтин-ўқтин қаланд бўйли бир қиши пайдо бўлар, ўзини хурмат билан қаршилаган хашарчиларнинг ишларига қушойиш талаб, ишда маҳорат қўрсатган усталарга ташаккур қилдиради, султ ишлаётганларга қичинг отиб қўярди. Бу қиши Темур Малик эди. У баъзан орқасидан эргашиб юрган мулозимининг елкасидаги хуржундан бир қисм танга олиб, яхши ишлаётган қишиларга улашиб берарди.

Икки ҳафта ичида қалъанинг шикастрехти тузатилди. Қалъага қимоячилар учун бир йиллик озуқа, қурол-яроғ ташиб қелтирилди. Мингдан ошқ бақодир ва мерганлар, юзга яқин кема-соз усталар истехкомга жойлаштирилди. Хотин, бола-чақалар, қоллар тоғли қишлоқларга жўнатилди.

Темур Малик бола-чақаси билан қайрлашиш учун қовлисига қирди. Қизматқори Одина аравақаш билан сандиқларни соябон арваларга ортаётган эди. Ичкарида эса хотини бир яшар ўғлини қўтариб, эрининг қелишини сабрсизлик билан қутиб турарди. Хотини уни қўриб йиғлаб юборди, ўғли эса ялтирок дубулга қийган отасини танимамай, қўрқиб кетди, юзини тесқари қилиб, онасининг елкасини малиқам қангаллаб олди. Темур Малиқнинг ҳам қўнғли бузилиб, бўғзига нимадир қадалгандек бўлди, томоғини қириб, хотинига:

— Мен ўлмамай туриб аза оқаетирсанми? Қўз ёшларингни аяб қўй, кейин қерак бўлиб қолар, — дея ўғлини қўлига олиб ўпмокчи бўлган эди, бола қинқириб йиғлаб юборди.

— Қой, ақмок бола, ўз отангни танимадингни, а? Мен сенга ўйинчок олиб қелдим, — деб бошидаги ялтирок дубулғасини олиб қўйди-да, соқолдан қилинган қўчқорни

кўйнидан чиқариб берди. Бола ўйинчокни олиб, овунгач, хотинига уқтирди: — ўғлимни сен билан Одинага топшириб кетаётирман. У соглом, мард ва ростгўй йигит бўлиб ўссин. Юртимизга ботир аскар ва аскарбошилар керак. Хайр, ўзингни эҳтиёт кил!

ўғлини бетидан ўпиб, онасига қайтариб берди-да, тезгина ташкарига чиқиб, содик мулозими билан кучоклашиб хайрлашди-да, оташин хўрсиник аралаш чуқур-чуқур нафас олган кўйи вазмин одимлаб кетди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас йигирма минглик мўгул кўшини Хўжандга етиб келди. Шахар бўсагасида Хўжанд мерганлари ва аскарлар мўгуллар билан жанг қилдилар, сўнг шаҳарга чекиниб, томлардан, даричалардан душман устига ўк ёғдириб турдилар ва шу билан Темур Малик аскарларининг оролга батамом ўтиб олишига ёрдам бердилар. Темур Маликнинг мақсади — оролда туриб, ўқтин-ўқтин душманга хужум қилиш ва йигирма минглик мўгул кўшинини узок вақтгача шу ерда тутиб туриб, Хоразмшохдан мадад келганидан кейин уларни тор-мор қилиш эди.

Мўгуллар каттик жангдан сўнг шаҳарни ишғол қилдилар, бироқ дарё ўртасидаги истехком кўкрак кериб, уларни жангга чорлаб турарди. Манжанаклардан отилган тош ҳам, ўк ҳам киргоқдан узокда бўлган кўргонга шикаст етказолмасди. Аммо баланд кўргон тепасидан туриб, қазонлардан шигаб отилган юмалок тошлар мўгулларга кўп талафот етказарди. Кўргон химоячилари душманнинг дарё лабига келиб қазон қуришига ва катта ўк-ёйлардан ўк отишига имкон бермадилар.

Кўргон бурчидан, шинак орқасидан узун бўйли, қора соқолли бир киши узокларга тикилганча қараб турарди. Унинг қалин қошлари чимирилиб, пешонасида чуқур бир қизик пайдо бўлди. Баногоҳ тоғ томондан келаётган, устига тош ортилган қатор-қатор араваларга унинг кўзи тушиб қолган эди. Аравалар ёнида қуролли мўгул соқчилар оғир харсангларни кўтариб олган қишлоқларни таёк билан уриб хайдаб келмоқда эди. Кўп ўтмай, бу одамлар дарё бўйига келиб, қўлларидagi тошларни бир ерга уюб қўйдилар, сўнг қалтак остида аравадаги тошларни тушира бошладилар.

— Лаънати мўгуллар бу тошлари дарёга ташлатиб, кўтарма ясамоқ ва оролга келиб, қалъани олмоқ ниятида бўлсалар керак, — деди Темур Малик ёнида турган гирдигумдан келган бир юзбошига. — Буюринг, қазонлардан тош отсинлар!

— Бегим, нечук аларга тош оттирай, мўгул орасида бизникилар бор. Тошнинг кўзи йўқ, ўзиникини ўзгадин ажрата билмас.

— Тошларга буюринг, ўзиникиларга тегмасун! — деб захарханда қилди Темур Малик.

— Жуда содда одамсиз-да. ўзимизникиларга мени ачинмайдур, деб ўйлайсизми? ўзимизникиларга тош тегмасун, деб ўлтурсак, мўгул орол остига келиб, оёғимизга болта урадур.

Қалъа бурчидан отилган тошлар дарёга тош ташиётган қишлоқлардан бир нечасини ерпарчин қилди. Мўгуллар ишларини тўхтатиб, уни кечаси давом эттирдилар. Тун қоронгисида отилган ўк ва тошлар «кўтарма» қураётган мўгулларга ва асирларга кўп шикаст етказолмас эди. Бир неча кун ичида «кўтарма» кўргонга анча яқинлашиб қолди. «Агар иш шу зайлда давом этса, икки ҳафта ичида дарёни тош билан тўлдириб, кўргон тагига етиб келадилар, — деб ўйлади қалъа бурчида турган Темур Малик. — Тезда душманнинг бу ишини барбод қилмоқ керак. — У ўтириб, бошини икки қўли орасига олганича чуқур ўйга толди. — Тезда кемалар ясамоқ лозим. Бизни фақат кемалар қутказа билади!»

Тонг отиши биланок дурадгорлар, кемасозлар ишга тушиб кетдилар. Темур Маликнинг ўзи ҳам қўлига болта олиб, уларга қўмақлаша бошлади. Тайёр боиган кемаларга

устунлар ўрнатиб, устини наMAT билан ёпдилар, атрофини ҳам наMAT билан ўрадилар. Наматларнинг ичи-ташини сиркага корилган ганч билан сувадилар, ўк отиш учун туйнукчалар колдирдилар.

Тонг коронгисида Темур Малик бошлик уч юз баходир йигит кемаларга ўтириб, киргокка якинлашди. ўк-ёйлардан мўгул сокчилари устига ўк ёгдириб, сохилга чикиб олишди. Уйкуда ётган мўгул лашкаргохига туйкусдан боскин килиб, наридан-бери кийиниб чиккан черикларни киличдан ўтказа бошладилар. Мўгуллар эс-хушларини йигиб олгунларича бир талай аскарларидан ажралдилар.

Темур Малик узун киличини ялангочлаб, лашкаргох ўртасидаги ипак чодир томон йўл олди. ўз бошликлари учун жон фидо килишга тайёр бўлган бир тўда азамат йигит Темур Маликни ўраб, атрофдан тушган килич зарбларини даф килиб борардилар. Темур Малик ён томондаги чодирдан югуриб чикиб, унинг йўлини тўсмокчи бўлган барзангидек бир мўгулнинг елкасига килич солиб, икки нимта килиб ташлади, сўнг баланд овозда: — Хай, Сўкту нўён, мард бўлсанг, майдонга чик! — дея кичкириб, мўгул саркардасини яккама-якка жангга чорлади. Бирок мўгул лашкарбошилари яккама-якка жанг килиб, ўз мардликларини кўрсатишдан кўра кўпчилик бўлиб, уюшқоклик билан душманни бартараф килишни афзал кўрардилар. Шунинг учун Сўкту нўёндан садо чикмади. Ён томондан бостириб келган бир тўда мўгул аскарлари Темур Маликка уларнинг саркардаси билан киличбозлик килишга халал берди. У жанг кила туриб сохил томон чекинди, мўгулларнинг асосий кучлари етиб келмасданок, йигитлари билан кемаларга ўтириб, шинаклардан ўк ёгдирганча орол томон йўл олди.

Темур Малик мўлжалланган ишини бажарган эди. Унинг асосий максади — мўгулларни чалгитиб, дарёга ташланган тошларни у ёкдан-бу ёкка отиб ташлаш, кўтармани бузиш билан машгул бўлган йигитларига ишлаш учун имконият тугдириб бериш эди. Сохилдаги киска муддатли жанг вақтида кўтарма бузиб ташланди.

Беш-олти ойгача кураш шу зайлда давом этди. Мўгуллар атрофдан хайдаб келтирилган асирларни уриб, дарёга тош ташлаттирар, мудрофаачилар эса ўк ўтмас кемаларида келиб, уларнинг ишларини бузиб кетар эдилар. Лекин бу хол узок давом этмади.

Сафлари сийраклашиб бораётган мудрофаачилар озик-овкатдан кисилмаганларида узок вақт каршилиқ кўрсатишлари мумкин эди, бирок дарёга ташланган кармоқларга тасодифан илинадиган баликлардан бўлак ейдиган нарса колмади. Очлик, узок вақт бир ерда туриб қолиш — жангчиларнинг руhini тушириб юборди.

Темур Малик калъани ташлаб, чекинишдан бўлак чора Влмаганини англади. ўз сафдошларини атрофига тўплаб, рииаъюс, лекин эътирозга йўл кўймайдиган охангда гап бошлаисли:

— Биродарлар, ахли дунё Рустами достон замонидан бери сизлдек пахлавонларни кўрмаган эди. Шул дамгача кулок эшитмаган ва кўз кўрмаган баходирлигингиз соясида ганим бир неча минг аскарининг жудо бўлди. Эмди чекинмок вақти етди. Мен бошда Хоразмдин мадад келур, деб ўйлаган эрдим, янглишибмен. Хоразмшоҳ бутун лашкарини бир ерга тўплаб, мўгул аблахни мажаклаб ташлаш ўрнига, аскарларини таркатиб юборди. У дўстлар сўзига эмас, пинжиге кириб олган душманлар сўзига кириб, шул ишни раво кўрди. Аммо биз курул-ярогни ташламаймиз, сафар кемасига ўлтириб, ёгий бирлажанг кила-кила, нажот сохилига эришурмиз...

Ранглари саргайиб кетган йигитлар бошларини куйи солиб, индамай унинг гапига кулок солдилар. «Ажабо, шу гўзал шахримизни душман кўлига топшириб кетаверамизми?» деган фикр уларнинг юрак-багирларини эзар эди.

— Она снахримизни унутмаймиз, куч йигиб келиб душ манга яна уруш солурмиз, ганимга хамла килиш учун оркага кайтмок айб эмас. Бардам бўлинг, йигитлар! Кора тун канотларини кенг ёйиб, шахарни босиб ётарди. Хаммаёк сув сепгандек жимжит. Ахён-ахёнда наханг балик сувни шалоплатиб юборади. Хўжанд якинидаги тоғ шахар уйкусини кўриклаб турган сокчидек котиб турибди. Мўгулларнинг лашкаргохи хам сукунат ичида. Чекка-чеккага кўйилган коровуллар хам найзаларига суяниб мудрамоқдалар.

Тун огиб, кунчикиш томон ёриша бошлаганда, бу жимжитлик тўсатдан бузилди. Мўгуллар кароргохида шовкин-сурон кўтарилди. Дарё устидаги ажойиб бир манзарани кўриб, Чингиз аскарлари бу ўнглари ми ё тушлари ми эканлигини билмай колгандилар. Узокдан юлдузларга ўхшаб кўринган машъаллар Сирдарёнинг окар томонига караб тез суръатлар билан сузиб кетмокда эди. Сокчилар рўй берган ахволни англагач, шовкин кўтариб, бошликларини бундан хабардор килдилар. Мўгуллар лашкаргохи чўп тикиб кавланган ковогари ини каби гувиллай бошлади. Наридан-бери кийинган аскар бошликлари у ёкдан-бу ёкка югурар, дагал овозлар билан буйрук бериб, ширин уйкуда ётган шерикларини оёкка тургизишга уринар, сўкинар, дагдага килар эдилар.

Мингларча ўк-ёйдан отилган ўклар усти наMAT билан копланган кемаларга таъсир этмасди. Хар икки сохилдаги мўгул аскарлари кемаларни таъкиб эта бошлашдЖ. Кемадагилар эса юлдузлар ва машъаллар ёругида жангни давом эттириб бордилар. Шинаклардан отилган ўклардан душман тутдек тўкилар эди. Бинокент шахригача кемалар жиддий каршиликка учрамади.

Хўжанддаги мўгул бошликларидан Сўкту Бинокентдаги мўгул саркардаларига чопарлар юбориб, кемаларни тўхтатиш учун чора кўришни сўраган эди. Бу ерда мўгуллар дарёнинг у юзидан-бу юзига занжир ташлаб тўсик ясадилар. Кемалар занжирга урилиб тўхтаб колганида мўгуллар хурсанд бўлганларидан кийкиришиб юборишди. Темур Малик икки кават совут ва дубулга кийиб кема тумшугига чикди. Унинг кўлида огир пўлат болта яркирарди. Икки азамат йигит темир илмоклар билан занжирни кўтариб, кема бурнига кўйди. Темур Малик икки кўли билан ушлаган болтани баланд кўтариб, бор кучи билан занжир устига урди. ўз бошликларига умид кўзи билан караб турган хўжандликлар йўгон занжирнинг чўрт узилиб, шувуллаганча дарёга чўка бошлаганини хурсандлик билан томоша килдилар. Кемалар яна авалги суръат билан сузиб кетди. Сўкту Сирдарёнинг куйи томонидаги калъаларни ишгол килиш билан овора бўлган Жўжига чопарлар юбориб, Темур Маликнинг олдини тўсишни илтимос килди. Жўжи Бургаликкент деган кишлок ёнида Сирдарёга кўприк солдириб, унинг устига казон курдирди, мерганларини тизиб кўйди. Йўлни кўздан кечириб бораётган Темур Малик душманнинг кўприк курганини кўриб, кемаларни тўхтатди, киргокда турган мўгулларни ўкка тутиб, сохилга якинлашишни буюрди. Мўгуллар шигаб отилган ўкларга бардош беролмай оркага чекиндилар. Темур Маликнинг йигитлари фурсатдан фойдаланиб, отларни етаклаб туширишди ва зарур курол-ярог ва озик-овкатларни киргокка ташиб олишди-да, сўнг Хоразм томон йўл олишди. Бўри галалари каби кеча-ю кундуз ўзларини таъкиб этган йирткич душман билан жанг кила-кила, йўлда конли излар колдириб кетаверишди. Кун сайин кахрамонларнинг сафи камайиб борарди. Темур Малик ярадорлар миниб олган отларни олдинга ўтказиб, ўзи мерган йигитлар билан энг кейинда борар, таъкиб этиб келаётган душмарми ўкка тутиб, уларни якинлаштирмасди.

Кизилкум ичига кирган сари таъкиб этиб келаётган душ маннинг сони камайиб борарди. Факат Темур Маликнинг бошини олиб, бошликларидан мукофот олиш ниятида бўлган энг

ашаддий каллакесарларгина изма-из келмокда эдилар. Учкур отларга миниб олган Темур Малик ва унинг дўстлари ўқтин-ўқтин оркаларига кайрилиб ўк узар, юз-кўзлари чангдан корайиб кетган, оппок тишларини гижирлатиб келаётган котиллами кетма-кет кулатар эдилар.

Нихоят, Темур Маликнинг садогида уч ўк колди. Бир ўкининг учи синик эди. Унинг оркасидан кувиб келаётган уч мўгулнинг бири:

— Отим Улок нўён, мени улуг коннинг ўзи танийдур. Барча улуснинг хукмдори Чингизхон номидан сени таслим бўлмокка даъват этурман! — деб кичкирди.

Темур Малик жавоб ўрнига садогидан учи синик ўкини олиб ёй устига кўйди-да, Улок нўённи мўлжалга олиб отди. ўк нўённинг ўнг кўзига санчилди. Ёнидаги икки мўгул унинг кўзидан ўкни тортиб олиш билан овора бўлиб турганларида Темур Малик отини тўхтатиб, оркасига кайрилди.

— Хой, мўгуллар! — деб захарханда кулди у. — Иккингиз учун садогимда икки ўк колди, иккингизни хам сўкир килиб кўяйми?

Мўгуллар уни таъкиб этишга юраклари бетламай, ортларига караб кочишди. Темур Малик ўзининг бир неча йигити билан Хоразмга етиб келгач, жангни давом эттириш учун у ерда аскар тўплаб, яна Сирдарё томон юриш килди. Душманга боскин килиб, Янгикент шахрини озод килди ва мўгуллар томонига ўтган шахар хокимини дорга ошириб, ўрнига бошка бир садокатли кишини белгилади-да, ўзга шахарларни душмандан озод этишга ошиқди. Бирок Кизилкумда ўзларига нисбатан бир неча хисса кўп бўлган душман билан жанг килиб, енгилганларидан сўнг, ботирлар яна чекиндилар. Темур Малик машаккатли йўл босиб, Эрон тупрогида мўгуллар билан жанг килаётган Жалолиддинга кўшилди... Йиллар ўтди, ўз саркардаларига ва вилоят хокимларига ишонмаган Хоразмшоҳнинг хохишига кўра ўзларини якка-якка химоя килишга мажбур бўлган ўрта Осиё шахарлари бирин-кетин Чингизхон томонидан ишгол килинди.

* * *

Орадан ўн беш йил ўтди. Дамашк шаҳридаги бир карвонсаройнинг дарвозахонасида сочлари окарган, баланд бўйли бир дарвиш ўтирарди. У карвонсарой ичида бўкириб турган туяларни йўлга хозирлаётган кишиларнинг овози-ю, бўталокларнинг бўзлашига кулок солиб, аллакимни кутарди. Диккат билан караган киши унинг устидаги жандаси, бошидаги кулохи гавдасига мос тушмаганлигини пайкаши мумкин эди. Кадди-коматини тик тутган ўткир кўзх бу баланд бўйли одам дарвишдан кўра кўпрок аскарбошига ўхшаб кетарди.

Орадан бир соат вақт ўтгач, у ўрта ёшли кора сокол бир кишининг сарой томон келаётганини кўриб:

— Мархабо! — деди ўрнидан туриб. — Янглишмасам, сиз Мовароуннахрга кетаётган карвон бошлиги бинни Муслимдурсиз?

— Орий, мен ўшал айтган кишингиз бўлурман. Хўш, хизмат?

— Факир Сайхун бўйина саёхат этмок ниятидадурмен. Имкони бўлса, мени хам хамрох килиб олсангиз, хизматингизни килиб кетсам... Сафарда фойдам тегса тегадурки, зиёним тегмайдур. Йўл харжим...

— Сизни бул ерда ким танийдур? Ким сизга кафил бўла олур?

— Мени саройбон Мустафо, бозор оксоколи Умарали танийдурлар.

— Яхши, суриштириб кўрурмен, — деди бинни Муслим дарвишни синчиклаб кўздан

кечираркан. — Ёшингиз кайтган бўлса-да, бакуват кўринурсиз. От минмок, килич урмокни билурмисиз?

Дарвиш билинар-билинемас мийигида кулиб кўйди.

— Бу бобда сокчиларингизга сабок бера билурмен.

Ибн Муслимга унинг жавоби ёкиб тушди. Йўллар хавф-хатарли бўлгани учун карвонга курол ишлата биладиган ишончли кишилар керак эди.

— Кани юринг, саройбон олдина кириб сўзлашайик...

* * *

Сахар пайтида устига юк ортилган туялар саройдан бўкиришиб чикишди, энг оркадаги туянинг бўйнига осилган огир мис кўнгирок жаранглаб ер-у кўкни бошига кўтарди. Бу туя устида жандасининг ичидан килич такиб олган кечаги дарвиш ўтирарди. Бирок бу сафар унга киличини киндан сугуришга тўғри келмади. Карвон йўли тинч бўлгани учун ҳеч қандай ходиса юз бермади. Карокчилар гўё карвон сокчилари бошида тажрибали бир саркарда кетаётганини билгандек эдилар. Савдогарлар карвони сувсиз чўллар, яшнаган вохалар, бозорлари обод, сергалва шаҳарларин босиб ўтиб, уч ой деганда Самарқандга етиб келдилар.

Баланд бўйли дарвиш бу ерда карвонбоши ва йўловчилар билан хайрлашиб Фарғонага кетаётган савдогарларга кўшилиб олди.

Кечки пайт. Хўжанд муаззинлари бирин-кетин такводорларни камоли асрга чорламокдалар. Белига качкул осган жандали дарвиш иргай таёгига суяниб, кингир-кийшик кўчалардан аста бормокда. У ахён-ахёнда тўхтаб, эгалари ташлаб кетгач, хароб холга келган ховлилар рўпарасида тўхтар, сўнг яна индамай ўтиб кетарди.

Нихоят, у катта дарвозали ховли олдида тўхтаб, бир лахза иккиланиб тургандан кейин халкани такиллатди. ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги бир йигитча дарвозани очиб, дарвишнинг кимлигини суриштирди. Дарвиш жавоб ўрнига:

— Кимнинг ўглидурсен? — деб сўради.

— Мен улуг Темур Маликнинг ўглидурмен. Кўзидан дув этиб ёш окиб кетган дарвиш йигитчани

кучоклаб, пешонасидан ўпди, кейин кўз ёшларини артиб:

— Агар отангни кўрсанг, танирми эдинг? — деб сўради.

— Отам мўгул билан жанг килиб чекинганида мен гўдак эканмен. Анинг ўликтиригидин хабаримиз йўк. Мушфик онамнинг вафот этганларига тўрт-беш йил бўлди. — Дарвиш бу гапини эшитиб хўрсинди-да, «омин» дегандек юзини сийпаб кўйди. — Бул ховлида илгариги хизматкоримиз Одина, анинг хотуни ва мен турамиз.

— Одина тирикми?

— Ха, менга ота ўрнида колган. Мана, ўзлари хам чикиб келяптилар.

Ичкаридан соч-соколи окарган бир мўйсафид чикиб келди.

— Нега хаялладинг десам, бул киши билан сўзилашиб турган экансан-да, — деди йигитчага караб. Сўнгра дарвишга юзланди:

— Ассалому алайкум, хўш, хизмат?

— Нахотки мени танимасанг? Шул қадар қариб-картайиб колдимми? — дарвиш кўзида ёш билан Одинани кучоклади, сўнг сўл кўлининг бир бўгини кесилган жимжилогини кўрсатиб:

— Энди танидингми? — деб сўради.

Одина йиглаб у билан кайта кўришди, сўнг ханг-манг бўлган йигитчага деди:

— Бул киши сенинг отанг... Улуг Темур Малик. Нега аграйиб турибсен, кўлидин ўпиб, тавоф кил, хой, нодон...

Бир неча йил каровсиз қолиб, кейин шикастрехти тузатилган эски ховлида Темур Малик бир неча кун ётиб дам олди. Эски ошна-огайнилар бундан хабар топиб уни кўргани кела бошладилар. Темур Млликнинг кайтиб келгани бутун шаҳарга овоза бўлиб кетди. Лекин мўгуллар даврида авалгидан ҳам бойиб кетган савдогарлар бу хабарни эшитиб кўрқдилар. Улар, бу Темур Малик эмас, у аллақачон ўлиб кетган, бу одам эса улуг саркарданинг номини ўзиники қилиб олган бир фирибгар, деб гап тарката бошладилар. Табиий, бу шов-шувлар мўгул босВикларининг кулогига етмай қолмас эди.

Бир куни қуролли сокчилар Темур Маликнинг ховлисини ўраб олиб, уни саройга олиб кетдилар.

Чингизхоннинг сон-саноксиз авлодларидан бири — Қадон ўғлон тахт устида ўтириб, кўлига қишан солинган Темур Маликка қийик кўзларини сузиб, ишончсизлик билан:

— Ростдан Темур Маликми сен ёки бошқа одамми сен?— деб сўради. Соч-соқоли оқарган бу дарвишномо киши Темур Малик эканлигига унинг ишонгиси қолмасди.

Қадон ўғлоннинг ёнида турган бир кўзли Улок нўён тутақиб:

— Худди ўзи... — деб юборди. Темур Малик ҳам ўз душманини кўриб, қазаб билан:

— Хой, Улок, мен ҳам сени бир кўришда танидим. Қизилқумда орқамдан қувиб қелаётганингда учи синган бир ўк билан ўнг кўзингни кўр қилган мен эдим-а? — деди.

Улок нўённинг соғ кўзи йўлбарс кўзидек қачнаб кетди. У хонвачча олдида тиз чўқиб:

— Темур Малик менинг яқин дўстларим, тувгонларимнинг қонини тўққан, менга шикаст етказган. Улуг Чингизхон ҳаққи, уни менга бер, хунимни олай, — деб ялинди.

— Майли, олсанг ол. Бир эмас, ўн Темур Малик бўлса ҳам сенга берардим! — Хонваччанинг кўзларида истехзоли қулғи кўринди.

— Хай, эссиз, сўл кўзингни ҳам кўр қилиб қўйганимда бўлур эркан, — дея пичинг қилди Темур Малик душманига қараб. Сўнг унинг олдида тушиб, бошини тик кўтарганча ташқарига чиқиб кетди.